


— Бахт бу, инсонни, айниқса, меҳнаткаш инсонни улуглашди, — деди ГЭС касабаси уюшма кўмитаси раиси.



Баъзи бир раҳбарлар ишлаётган жойларида ўзларини яқка-ёлғиз ҳукмрон, уларнинг оғизларидан чиққан гаплари бамисоли қонун, уни қайтаришга, бирларини икки дейишга қўл остидагилар қодир эмас, деб ҳисоблайдилар.



Томирим пўстини зайтун ёғига қовуриб, бавосил ҳамда бел оғриғига суркала, ахши фойда қилади. Баргимнинг иситилган суви қулоққа томизилса, қулоқ оғриғини тўхтатади.

# Insonga naf keltirish — oliy baxt

# Ishonch

Мамлакатнинг асосий бойлиги унинг халқидир. Ер ва дон-дун халқдан кейинги мавқени эгаллади. Мэн-Цзи

2008-yil 14-oktabr, seshanba №126 (2539)

D'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## «Хамшира — 2008»



# Маҳорат ва гузаллик куризи

Ўтган жума кунин Фарғона туманидаги «Чимён санаторийси» МЧЖ маданият саройида Ёшлар йиллига бағишланган санаторийларга «Хамшира — 2008» кўрик-танлови бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши Курортлар бошқармаси тизимидаги 13 та санаторийнинг хамшира қизлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Мазкур беллашувнинг ўнинчи марта ташкиллаштирилганлиги ва бу борада маълум таъриҳга эга бўлган ушбу тадбирнинг юксак савияда ўтишини таъминлади. Айни пайтда сахнада юксак дид билан безатилиши ва энг замонавий эриткичлардан фойдаланил-

ганлиги туфайли ижрочилар маҳорати режиссура санъати билан ҳар томонлама уйғунлашиб кетди. Ва бу ўз навбатида томошабин нигоҳини сахнага муҳрлаб қўйди. Ушунинг билдиргани бўлган бу зукко қиз-жувонларнинг қайси-я қайси баҳо берсам экан, деб ақлингиз шошди беихтиёр. Шунинг учун томошабинлар танлов бошида айрилган: «Бугунги тадбирда голиблар беллашмоқда» деган фикрни беш соат давомида олқишлар билан қўлаб турди.

Агар шифокорнинг маҳорати меҳр қўшилса, ҳар қандай шифо-дори ва муолажа ҳақиқий малҳамга айланади. Меҳр эса маданият, санъатга, ҳаётга шунинг қалбларда сөрб бўлади. Хамшира қизлар ана шу икки йўналиш бўйича беллашдилар. Бу танлов мағлублики четлаб ўтди, лекин барибир голиб-



ларни аниқлаб олиш шарт эканлиги боис гоёт талабчан кўрик-танлов ҳайъатига ҳам осон бўлмади. Йиғилган баллар жамланиб, натижа эълон қилинганда қўйдаги манзара намён бўлди. «Чимён» санаторийси хамшираси З.Абдурахмонова 1-, «Чортоқ» санаторийси хамшираси М.Жабборова 2-, «Косонсой» санаторийси хамшираси М.Ганиева эса 3-ўринга лойиқ деб топилди. Голиб ва совриндорлар қимматбахо совғалар, «Фархрий ёрлик» ва дипломлар билан тақдирланди.

Ў мухбиримиз. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар. Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан тузилган депутатлар ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳининг «Касабаси уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимида ижро этилишига бағишланган назорат-таҳлил йиғилиши ўтказилди.

2008 йил 1 январ ҳолатига кўра Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси 14 та тармок касабаси уюшмаларини, 14 та ҳудудий касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларини, 25733 та бошланғич касабаси уюшма ташкилотларини бирлаштириди, уларда 6.394.669 нафар касабаси уюшма аъзолари ҳисобда туради. Касабаси уюшмалари юқоридан пастгача бўлган барча погонларда ўз тузилмавий бирликларига эга. Жумладан, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси тарихида аъзо ташкилот бўлган ҳамда тегишли тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган 14 та тармок касабаси уюшмалари, Адлия вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармаларида рўйхатдан ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят, Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари мавжуд. 2008 йил 1 январ ҳолатига кўра тармок касабаси уюшмаларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида 54 та, туман ва шаҳарларда 235 та кенгашлари мавжуд. Ҳозирги вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида 14 та, вилоятлар тасарруфидоги туманлар ва шаҳарлар миқёсида эса 44 та ҳудудий келишувлар амал қилмоқда.

Тармоқларда республика миқёсида 80 та тармок келишувлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида 223 та, вилоятлар тасарруфидоги туманлар ва шаҳарлар миқёсида эса 349 та ҳудудий-тармок келишувлари мавжуд. 2007 йил якулига кўра, касабаси уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланаётган 240,5 миң юридик шахсларнинг 210,6 миңтасида, яъни 87 фоизда жамоат шартномалари тузилган. Меҳнат қилётган 5,6 млн. касабаси уюшма аъзоларидан 5,04 млн., яъни 90 фоизи жамоат-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган. 2006-2007 йилларда ва 2008 йилнинг биринчи ярмида соғломлаштиришнинг барча турлари билан 209 миң нафар ходимлар ва уларнинг оила аъзолари қамраб олинган. Шулардан санаторий-профилакторийларда — 69200, дам олиш уйлари ва бошқаларда 71600 киши даво-ланган ва дам олган. Аммо касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг молия ҳисоботида бепул берилган йўлланмалардан

## Янгиликлар панорамаси

Тадбиркор Илёс Ниёзовнинг ташаббуси билан жорий йилнинг биринчи чорагида Бухоро туманининг Работи Миржон кишлоғида гишт заводи қурилган эди. Мана шу қисқа даврда заводнинг қуввати ҳам, ишчилари сонин ю моддий манфаатдорлиги ҳам кескин ошди.

## Кишлоқда гишт заводи

— Айни кунларда 35-40 миңгадан пишиқ гишт ишлаб чиқараямиз, — дейди завод раҳбари Илёс Ниёзов. — Тупроқ ва сув таъминотида муаммо йўқ. Техникалар ўзимизники. Бу эса маҳсулот таннархини бошқа корхоналардаги нисбатан бироз арзонлаштириш имконини беради. Илёснинг фикрида жон бор. У мутахассислиги бўйича олий маълумотли иқтисодчи. Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир жараённи аниқ ҳисоб-китоб қилиб боради. Ортиқча харажатга йўл қўймайди. Ҳар кимнинг меҳнатига яраша рағбатлантирилишини таъминлайди. Бу эса иш сифати ва суръатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. — Биз ҳар йили ишлагани қўшни мамлакатларга борардик, — дея фикрини баён этди ишчилардан бири Тўхтамурад Бекназаров. — У ерларда пул топиш осон эмас. Мазкур корхона бизга жуда маъқул тушди. Шароит яхши. Ойлик маошимиз 300-320 миңг сўмни ташкил этаётди. Боз устига ҳар кунги бепул иссиқ овқат ҳам берилади. Бундан 30 кишилик жамоамизнинг барча аъзоси мангун.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Азизжон Ҳасанов меҳнат ярмаркасида уйига ҳуррам холда қайтди. У Халқ банкнинг Сардоба тумани бўлимига етакчи мутахассис сифатида ишга қабул қилинди. Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежини тамомлаган Азизжон банкда ишлашни орзу қилиб юрган эди. — Ниҳоят орзуси ушалди.

## Меҳнат ярмаркаси

Шу кунги тиббиёт коллежини тамомлаган Нигора Бойбекова ҳам туман тиббиёт бирлашмасига ҳамшира бўлиб ишга жойлашди. Меҳнат ярмаркаси шарофати билан 102 киши шу тарзда иш ўрнига эга бўлди. Тадбирда 27 та корхона ва ташкилот 123 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Иш излаб юрган ёшлар корхоналарнинг вакиллари билан суҳбатлашдилар, уларнинг ҳаёти акс этган кўргазмаларни кўришди. Малакали ҳуқуқшунослардан меҳнат қончилиги оид маслаҳатларни олишди. «Ёшлар йили» давлат дастури доирасида ўтказилган бу тадбир барча учун аҳамиятли бўлди.

Анорбой НОРКУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоат мухбири

Мамлакатимиз нефт-газ sanoatini ривожлантиришга қашқарликлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Воҳадаги йиллик корхоналар сафидан жой олган «Gissamtofgaz» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси жамоаси жорий йилда катта ютуқларни қўлга киритаяпти.

## Бурғуловчилар ютуғи

Ўтган даврда улар Бешкент қонидоги битта, Шимолий Нишон ва Шимолий Ғузор қонларида 3 та кудуқни бурғулаш ишларини ниҳоясига етказишди. Вилоят ҳудудида янги Нишон газ-конденсат қони очилди. Яқинда Қашаши газ-конденсат қонидоги яна бир кудуқда бурғулаш ишлари тугалланди. Чуқурлиги 3272 метрлик янги манбанинг ишга туширилиши бир кеча-кундузда 400 миңг кубометр газ ва 36 тонна газ конденсати ишлаб чиқариш имконини беради.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбек мумтоз адабиётига муносиб ҳисса қўшган Жаҳон отин Увайсийнинг адабий меросини келажак авлодга етказиш, шовранинг издошлари ижодини рўбга чиқариш мақсадида шаҳар ҳокимининг қарори билан Марғилонда «Жаҳон отин Увайсий» жамғармаси ташкил этилди.

## Увайсий номидаги жамғарма

Жамғарманинг ташкил этилишига Ўзбекистон халқ демократик партияси шаҳар кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг тақлифлари сабаб бўлди. Шаҳардаги барча тижорат банкларида «Жаҳон отин Увайсий» жамғармасига махсус ҳисоб рақами очилди.

Мухаммадjon МАХМУДОВ, Марғилон шаҳри

## Ҳамкорлик




Янги йўл республикамизнинг жануби — Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларини бир-бири билан боғлади. Тоғли довлар оша ўтган ушбу йўл бу вилоятларнинг иқтисодий ривожига кенг йўл очиб берди. Табиий бойликларини ўзлаштиришни тезлаштириди, темирйўл тармоғи орқали хорижга юк ташин имкониятларини кенгайтирди. Хабарингиз бўлса, бу йўллар орқали 2007 йилнинг 15 сентябидан маҳаллий юклар, 1 ноябрдан экспорт юклар, 1 декабрдан эса Афғонистонга ўтадиган транзит юклар ташила бошлади. Умуман, шу кунга қадар 3040 миң тонна халқ ҳўжалик юклари белгиланган манзилга элиб берилди. Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арафасида Япониянинг халқаро ҳамкорлик банки кредити асосида Тошгузар—Бой-

## Дўстлик рамзи

Темирйўлчилар юртимизнинг энг азиз ва энг муқаддас байрамига «Тўйга тўйна билан» деган азалий ўзбекона удумга амал қилиб, бирор янгилик билан қилинган одатлашмаган. Ўтган йили Республикаимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида темирйўлчилар Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган ва «Аср қурилиши» номини олган Тошгузар—Бойсену—Кумкўрғон янги темирйўл линиясини фойдаланишга топширилган эди. Бу йилнинг очилиши нафақат темирйўлчилар, балки мамлакатимиз учун ҳам катта воқеа бўлди. Шу тарихи Ўзбекистонда яхлит ва ягона темирйўл тизимини яратиш йўлида улкан қадам ташланди.

сун — Кумкўрғон янги темирйўл линиясида қуриладиган 5 та кўприкнинг дастлабки битказилди ва Чашмаиҳафизон — Ақработ бекатлари орасидаги 91 километрда қурилган бу кўприкда поездлар қатновининг тест-синови ўтказилди. — Бу йўлларда ҳозирда юк поездлари мунтазам қатнай бошлагани ҳар қанча тахсинга лойиқ, — дейди Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Шермат Бегматов. — Бу йўл мамлакатимизнинг денгизларга ва улар орқали иқтисодий ривожланаётган Жанубий ва Жануби-Осиё бозорларига олиб чиқувчи энг қисқа ва қулай йўлларда яна битта муҳим воқеа — япон ва ўзбек мутахассислари томонидан қурилган дастлабки металл-конструкцияли кўприкдан поездларнинг тест-синов юришининг бошланишидир. Синов мuddатлари тугагач, бу кўприкдаги йўллардан

юк ва йўловчи поездлари юқори тезликда қатнайди. Синов ишлари ҳам икки юрт мутахассислари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Япония томонидан қурилайётган кўприклар лойиҳаси бошлиғи, япониялик мундасис Тошимачи Кю Чи дил сўзларини қўлидагича баён этди. — Ўзбекистон темирйўллари учун бунёд этилаётган 5 та металл кўприкнинг Япония халқаро ҳамкорлик банки томонидан молиялаштирилган бизнинг бунёдкорлик алоқаларимизга замин бўлди. Ушбу кўприк қурилажак 5 та металл кўприкнинг энг каттаси. Унинг узунлиги 273 метрни, баландлиги эса 14 метрни ташкил этади. Уни 9 та салобатли устун қўтариб турибди. Бу кўприк Япония ва Ўзбекистон дўстлигининг абадий рамзи бўлиб қолишига ишончим комил! Ушбу кўприкнинг металл-конструкцияси Японияда тайёрланди ва Ўзбекистонда йи-



гилди. Кўприк учун қўйилган рельс ва шпаллар ҳам кунчиқар юртдан келтирилган. Бу осма кўприк ҳажми ва салмоғи, вазифаси ва юқори иш унумдорлиги жиҳатидан Ўзбекистондагича эмас, балки Марказий Осиё ҳудудида ягонадир. — Кўприкни бунёд этиш ишлари 2007 йилнинг март ойида бошланган эди. Ушундан дастлабки ер ости ва усти геологик синовларига илк бор қўл урилганди, — дейди Ўзбекистон темирйўлларининг йўл ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи Азимбой Қўрбонов. — Қолган 4 та кўприкни битказиш 2009 йилнинг апрел ойига мўлжалланган. Шундай қилиб, янги кўприкдан қатор юк вагонларини тортиб бораётган локомотив ҳаракатлана бошлади. Аҳдам ДАМИНОВ, Суратларда: янги кўприкнинг очилишидан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Помук Қарши шахридан қарийб юз чакирим олисда жойлашган. Аҳолисининг асосий қисми туркман.

элга, унинг тарихига меҳр-муҳаббат сўнмаса, юрт қудратли бўлади, — дейди вилоят туркман миллий маданий маркази раисининг ўринбосари, Қарши давлат университети профессори Обод Жўрақулов. — Чет элларда кўп бўлганман. Хо-

қувончини турли миллат вакиллари баҳам кўрдилар.

— Ариқларда шилдираган сув, ҳовлимиздаги анвойи гуллар иси яйловдаги ўт-ўланлар бўйига кўшилиб, она юрт чиройини янада сулувлантириб юборади, — дейди мактаб директори Абдунаби Абдиев. — Кўз ўнгимда болалигим ўтган муқаддас замин гавдаланади. Қишлоғимиз одамлари жамиятдаги маънавий уйғониш ва маданий юксалишга муносиб хисса қўшмоқдалар.

Татар-бошқирд миллий маданий маркази раисининг ўринбосари Феруза Ҳасанова, Бахористон иқтисодийет коллежи ўқувчиси Зарнигор Нельметова, Ўзбекистон миллий университети талабаси Шаҳноза Нориковаларнинг дил-сузлари иштирокчиларни тўлқинлантириб юборди.

— Дўстлик кечаси унутилмас тадбир бўлди, — дейди Помук кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Оқмаат Хўжамов. — Бу мулоқот мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакиллари Ўзбекистон қонунлари берган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, ватан равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётганини кўрсатди.

«Ўзгеобургунефтвергас» акционерлик компанияси, «Жейнов пахта тозалаш» очик ҳиссадорлик жамияти, Помук машинатрактор парк, «Махалла» хайрия жамғармаси ҳомиёлигида кам таъминланган оилаларга майда мол, тикув машиналари ва пул кўйилган омонат дафтарчаларининг топширилиши одамлар кўвончига қувонч қўшди.

Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-кўшиқлар қалбларга ором бағишлади.

Иззат ХИКМАТОВ, «Ishonch» мухбири

# ЎЗГАЧАДИР ВАТАН ТҮЙҒУСИ



Яқинда бу ерда ўтказилган «Шу азиз ватан барчамизники» маданий-маърифий тадбири ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Вилоят маркази, қўшни туманлардан келган меҳмонларни мезбонлар илқ кутиб олишди.

миллатли юртимизда мустақкам ҳамжихатлик қарор топди, — дейди саксон ёшли Нурмаат бобо Рустанов. — Мамлакатимизда барча халқларнинг тили, урф-одати, маданияти қадрланади.

рижнинг осмонўпар, ҳашаматли биноларидан тупроқ кўчадаги мўъжазгина уйимизни афзал қўраман.

Қаршилик меҳнат фахрийси Зайнаб Мусина хонадонидан тўй бўлиб ўтди. У йўли Руслани чироқлиқ Албини уйлантирди. Ёшлар

**Агар автомобилнингиз бўлса...**

**бу маслаҳатлар сизга асқотиши мумкин**

**Автомобилнингиз билан боғлиқ ишончномалар, уни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари қандай меъёрий ҳужжатга асосан расмийлаштирилади?**

Автомобилнингиз билан боғлиқ ишончномалар, уни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари Фуқаролик кодексига, «Нотариат тўғрисида»ги қонунга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Автомобилнингиз билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомда белгиланган ҳусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланади.

**Чет элда расмий равишда юрган фуқароларининг ўзларига тегишли автотранспортни бошқариш учун ишончнома бериш зарурати туғилса, кимга мурожаат қилишлари лозим?**

«Нотариат тўғрисида»ги қонунга мувофиқ автотранспортдан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномалар белгиланган тартибда Ўзбекистон консулли муассасалари консуллари томонидан ҳам тасдиқланади.

**Республикамизга четдан олиб келинган автотранспортларга ишончнома ва шартномалар қандай расмийлаштирилади?**

Ўзбекистонга бошқа давлатлардан олиб келинган автотранспортларга ишончнома бериш, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш улар божхона органларида расмийлаштирилгандан ва ДЙХХ органларида рўйхатдан ўтказилган кейин амалга оширилади. ДЙХХ органларида рўйхатдан ўтмаган автотранспортни бозорларда сотиш ва алмаштириш, шунингдек, автотранспортни биржалар орқали сотиш тақиқланади.

**Автомобилнингиз билан боғлиқ ишончнома олиш ёки уни сотиб олишда фуқароларнинг ёши чекланадими?**

18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспортни бошқариш, 16 ёшга етмаган шахсларга автотранспорт ишончномаларини, бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштиришга йўл қўйилмайди, лоторея ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютуқлари бўлган, қонунда белгиланган тартибда мерос қилиб олинган автотранспортлар бундан мустасно.

**Фуқаро ўзига тегишли автотранспортни сотишда нимага эътибор бериши ва қандай ҳужжатларни нотариусга тақдим қилиши лозим?**

Нотариуслар автотранспортни бошқа шахсга бериш ҳуқуқи билан боғлиқ ишончномаларни, бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини бошқа шахсга бериш тақиқланмаганлиги ва халтаб қўйилмаганлиги текширилгандан кейин тасдиқлайди. Автотранспортни тақиқланмаганлиги ёки халтаб қўйилмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома унинг эгаси доимий рўйхатда турган туман (шаҳар)даги Адлия вазирлиги ваколат берган давлат нотариуслари томонидан беш кун муддатга берилди. Беш кун мобайнида автотранспорт сотилмаса, қайтадан маълумотнома олиш лозим. Мисол учун Навоий вилоятда истикомат қилувчи фуқаро ўзига тегишли машинани Ташкент шаҳридаги бозорда сотиш истагида бўлса, ўзи доимий рўйхатда турган туман давлат нотариал идорасидан автомашинасига тақим (арест) қўйилмаганлиги ҳақида маълумотнома олади. Агар машина никоҳ даврида сотиб олинган бўлса, Оила кодексининг 24-моддасига асосан турмуш ўртоғининг нотариал тасдиқланган розилигини ҳам олиши керак. Бундан ташқари нотариуслар томонидан бошқа шахсга бериш шартномаси тасдиқланганга қадар автотранспорт у рўйхатга олинган жойдаги ёки битим тузилган (сотиб олувчининг танловига кўра) жойдаги ДЙХХ органларида агрегатлар рақамлари рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечирилиши лозим. Бу уни кўздан кечирган мансабдор шахсининг фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, кўздан кечирилган сана кўрсатилган ва мансабдор шахс имзоси қўйилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш ҳужжатидаги штамп билан тасдиқланади.

**Автомобилнингиз билан боғлиқ ишончнома, ижара шартномаси ишончнома берувчининг манзили бўйича ҳисобга қўйилмайдими ёки олувчининг?**

Автомобилнингиз билан боғлиқ ишончнома ва уни ижарага бериш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида ДЙХХ органларига рўйхатга олиш (ҳисобга қўйиш) учун тақдим этилади. Ушбу ишончнома ва уни ижарага бериш шартномаси Ички ишлар вазирлиги белгиланган тартибда автотранспорт рўйхатга олинган (ишончнома берувчининг манзили бўйича) жойдаги ДЙХХ органларида ҳисобга олиниши керак. Бунинг учун ҳеч қандай тўлов ундирилмайди.

**Автомобилнингиз билан боғлиқ ишончнома ва уни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш тартиби қандай?**

Автомобилнингиз билан боғлиқ ишончнома бир томонлама битим бўлганлиги сабабли Фуқаролик кодексининг 141-моддасига асосан ишончнома берган шахс (автотранспортнинг эгаси) ишончнома расмийлаштирилган нотариал идорага келиб, уни бекор қилиши мумкин. Ижара шартномаси ҳар икки тараф нотариал идорада автомашина ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисида ёзма битим тузиб имзолаган ва у нотариал тартибда тасдиқланган кундан бекор қилинган ҳисобланади. Битим тузиш ва имзолашга тарафлардан бири норози бўлса, у ҳолатда автомашина ижарага бериш шартномаси суд орқали бекор қилиниши мумкин.

Саволларга Ташкент вилоят адлия бошқармаси мутахассиси Г.ХАЛИЛОВА жавоб берди

## Хотин-қизларга алоҳида шароитлар

Президентимизнинг саноатга чет эл сармоясини олиб кириш ҳақидаги қарорлари самарасини Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган «Миматаш текстил» корхонаси мисолида кўриб туришимиз. Корхонамизда 625 киши меҳнат қилади. Шундан 385 нафари аёллардир.

Ходимлар ишга келиб-кейтиш учун автобус, бепул тушлик иш кийими, шахсий химоя воситалари билан таъминланган. Ҳомилалар аёлларга турмуш олдидан ишлаб чиқариш заруриятидан қатъи назар меҳнат таътили берилиши жамоа шартномасига киритилган. Ҳозир корхонада ёш болали аёллар сони 41 нафарни ташкил қилади. Уларга нафақа пули берилмоқда. Корхона маъмурияти ва касоба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ходимларнинг оиласига дафн маросимлари учун моддий ёрдам кўрсатиш, тунги вақтда ишлаганлик учун 1,5 баробар, бай-

рам кунлари 2 баробар иш ҳақи тўланиши кўзда тутилган. Ишчиларга қулайлик яратиш мақсадида ошхонани тўлиқ таъмирлашга 22 млн. сўм сарфланди. Иссиқ овқат учун йил давомида 105 млн. сўм, сут-қатиқ учун 10 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

Корхонада тайёрлов, йиғирув, ўров, тикув, бўёқ, механика таъмирлаш ва энергетика бўлимлари бор. Асосий эътибор хавфсизлик ва меҳнат қонунларига қатъий амал қилишга қаратилган.

Техника хавфсизлиги ва ўқув хоналари ташкил қилиниб, керакли меъёрий ҳужжатлар, кўргазмалар кўроллар билан таъминланган. Меҳнат муҳофазаси бўйича битимда кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиши касоба уюшмаси томонидан назоратга олинган.

Мастура РАХИМҚУЛОВА, «Миматаш текстил» касоба уюшма кўмитаси раиси



«Миматаш текстил» корхонаси

Меннинг орақулим



## Яхшилар бор бўлсин

Бу дунёда инсонлардан қоладигани фақат яхшиликдир. Ургут туман ИИБ хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, майор Юсуфжон Исломов мана шундай эл суйган, ҳақиқат хурмат қиладиган кишилардан бири. Унинг саъй-ҳаракати туфайли тоғли ҳудуд бўлган Илоли кишлоқ фуқаролар йиғинидан бир хона ажратилиб, ҳафтада бир кун фуқаролар қабул қилина бошланди.

Айниқса, илк марта паспорт олувчиларга бу муҳим ҳужжатни топшириш катта тантангага айланмоқда. Кишлоғимиз аҳли бундан хурсанд.

Узоқ ОМОНОВ

## Аёл раҳбарлар клуби

Янгиқўрғон туманида хотин-қиз раҳбарлар клуби фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот, бизнес соҳасида раҳбар аёлларни кўп ўқратиш мумкин. Клубнинг асосий мақсади хотин-қизларни ижтимоий химоялаш борасидаги қонун ва қарорларни тарғиб қилиш, иш жойларида аёллар учун қулайлик яратишга қаратилган. Шунингдек, нутқ маданиятини ошириш, кийиниш ва бошқа масалалар ҳам клуб дастуридан ўрин олган.

Ўз мухбиримиз

## «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

1942 йил адоғида қурилиши бошланган «Фарҳод» ГЭСи касоба уюшма кўмитасининг раиси Олга Труженникова тўғрисида уйлаганимда ҳаёлимда шундай савол чарх ураверади: инсон дунёга нима учун келади? Айрим ҳамкасбларимиз яхши яшаш учун деб жавоб беришди. Афсуски, бу жавоб Олга Юрєвнага мос тушмайди. Бу ҳақда унинг ўзидан сўрадик.

— Бахт бу, инсонни, айниқса, меҳнаткаш инсонни улуғлашдир, — деди ГЭС касоба уюшма кўмитаси раиси.

Шу ўринда бир асоқани эслаш жоиз. Давлатимиз мустақиллиги шарафига ўтказилган тантаналарда кўксига энергетиклар, айни пайтда ишлаётган ходимлар тўпланди. Касобамиз раиси уларни ватанимизнинг энг улуг, энг азиз байрами билан қутлади.

Истиклолнинг муборак тўйи кўтаринкилик билан нишонланди. Чунки шу кунги нурухона касоба уюшма кўмитаси ташаббусини қўллаб-қувватлаган маъмурият савоб ишга қўл урди:

Ёшлар йили муносабати билан ёш ходимлардан икки нафарига биттадан соғин сигир совға қилинди.

Бундан ташқари, кам таъминланган 7 та ёш ходимга касоба уюшмаси маблағи ҳисобидан 350 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Ишловчи пенсионерлар ҳам унутилмади: жамоа шартномасига мувофиқ ҳар бирининг пенсиясига устама ҳақ тўланиши эълон қилинди ва ўша кунги уларга 1 млн. 973 минг сўм миқдоридagi маблағ тантанали равишда топширилди.

Байналмилаллик қонунига сингиб кетган Олга Труженникова ўзбек миллий анъана ва урф-одатларини жуда қадрлайди. Ўзбекистонни ватанимиз деб қадрлайди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки у Фаргона водийсида дунёга келган, ўзбеклар орасида улгайган. Унинг бу таварруқ заминга садоқати чексиз: маҳаллий халқсиз ҳаётини тасавур

# Юртга нур, қалбга



эта олмайди, улар билан эт ва тирноқ бўлиб кетган. Бунинг саъй-ҳаракатларидан ҳам пайкаш мумкин. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида кам таъминланган ходимларнинг 12 нафар фарзанди рўйхатини тузиб, маъмуриятга тақдим этди ва уларнинг суннат тўйларини ўтказиш ташаббуси билан чиқ-

ди. Банкда болаларнинг шахсий ҳисоб-варақларини очтириб, ҳар бирига 100 минг сўмдан маблағ қўйилишига бош-қош бўлди. Касоба уюшма кўмитаси раиси ўша кунги даврадаги меҳнат аҳлини қизгин табриқлади, муқофотларни уларнинг олкишлари остида топширди. Нурчилар шундай фидойи етакчиси борлигидан севиन्दилар. — Ходимлардан бирортаси бетов бўлиб қолганда ёки моддий аҳоли кутилмаганда оғирлашган холларда уларга жамоа шартномаси асосида моддий кўмак кўрсатиш кўзда тутилган, — дейди Олга опа. — Ҳозирга қадар шу мақсадда 630 минг сўм сарф-

ланди. Ишчиларнинг меҳнат таътилига чиқишида моддий ёрдам уюштириш ҳам жамоа шартномасида белгилаб қўйилган. Бугунгача уларга 3,2 млн. сўмлик ёрдам бердик. Сўхбат мавзуси корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларига кўчди. — Айтинг-чи, ходимларга кўрсатилган гамхўрлик ишлаб чиқаришда қандай самара берайди? — Нурхонамиз жамоаси ярим йиллик режани 225000 ўрнига 226254 киловат-соат қилиб бажарди. Станциямиз фойдаланишга топширилган 1948 йилдан ҳозиргача ишлаб чиқарган

электр энергияси эса 36 млрд. киловат-соатни ташкил этади. Кўриниб турибдики, ходимларга қилинган гамхўрлик туфайли режа орғини билан бажарилмоқда. Нурхонада ички меҳнат тартиби қодаларига қатъий риоя қилинади. Етақининг таржimai ҳолига назар ташлаймиз. Меҳнат фаолиятини 1972 йили Олтиариқдаги 30-мактабда лаборатория ходими сифатида бошлаган. 1974 йили Ташкент давлат политехника институтига ўқишга киради. 1979 йилда тахсилни муваффақиятли тамомлаб Сирдарё иссиқлик электр станциясига йўлланма бўйича келиб, 3-даражали чилан-



Кармана туман хокимияти мажлислар зали одамлар билан тўла. Саҳнада яримойи шаклида стол-стуллар ўрнатилган. Пештоқда осигилга қарши «Карманамиз — фахримиз» деб ёзилган.

# Нафосат маликаси

Нихоят тадбир бошланадиган пайт етди. Микрофон рўпарасидаги бошловчи ҳаманинг эътиборини тортади. Салом-алиқдан сўнг у фикрини шундай давом эттирди: «Азизлар, қувончу ташвишларни баҳам қўриш, ахил бўлиб яшаш халқимизга хос хислат. Кўпчилик бирлашса, ҳар қандай мушкул ишнинг ҳам уaldasидан чиқади. Бугун эътиборингизга ҳавола қилинади «Карманамиз» — фах-

римиз!» дея номланган театрлашган кечамиз сизга ватан туйғусининг янги жиҳатларини намойиш этишига ишонамиз. Марҳамат, тингланг, томоша қилинг!».

Нотик сўзини тугатиши билан саҳнадаги заррин пардалар секин-аста икки ёнга очила бошлади. Залда қарсак садолари ва дилни ўртовчи куй янгради...

— Ҳоятда бийрон экан, гаплари ҳам маънавий, — дейди залнинг олд қаторида ўтирган меҳмонлардан бири ёнидаги ҳамроҳига. — Тўғри айтасиз, унга на-

лим юрти ўқитувчи ва ўқувчилари учун ёзган «Идрок» ўқув-услубий қўлланмаси нашр этилди. Ноанаъавий тарзда, кўргазмали қуролларга бой қилиб безатилган психология кабинети эса туманда энг намунали деб топилди.

Утган йиллар давомида у маънавиятимизнинг жонқуяр тарғиботчисига айланди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида эса «Дўстлик» орденига сазовор бўлди.

Ҳа, нотиклик — жавоҳирини ўзгинаси. Саломига қараб нур таратади. Иборалар бўлса фикрлар устига кийдирилган ўзига хос либосдир. «Кези келганда биз ҳам карманали нафосат маликасини юксак мукофот билан қутлаймиз.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

фосат маликаси деган баҳо бежиз берилмаган экан-да. Дарҳақиқат, суз гавхарларини жой-жойига қўйиш бир усталик бўлса, уни томошабин эътиборига етказиш ҳам ўзига хос санъат. Карманали Санобар Қодирова ана шундай санъат устаси.

1978 йили Тошкент давлат педагогика институтининг педагогика-психология факултетида тахсил олаётган пайтидаёқ Санобар Халқ таълими вазирлиги эътиборига тушди. Ушанда республика миқёсида ўтказилган танловда қатнашиб,

## Жасоратга муносиб мукофот

Газетамизнинг 2008 йил феврал ойидаги сонларидан биринчи «Жасорат» сарлавҳали хабар берилиб, унда қаршилик икки навиридан йигит — «Шўртангазим» мажмуасига қарши маданият ва спорт-соғломлаштириш марказининг қўриқчилари Фаррух Жепаров ва Жонибек Жуманазаровнинг суғва чўқайган болаларни қутқарганлиги ёзилган эди.

Ҳаёт тасодифларга тўла. Одамларга фойданг тега сизнинг бахтиёр хис этсан. Эндигина йигирмадан ошган икки ўғлоннинг мардидиган фақат қашқадар ёликлар эмас, балки бутун юртимиз аҳолиси воқофи бўлди, уларнинг довураклигига таҳсинлар айди.

Ўзларини инсоний бурчини бажарган оддий йигитлар деб ҳисоблашди. Шундай камтарин ўғлонларни тарбиялаган ота-онасига ҳар қанча тасанно айтса арзийди.

### Замонамиз ёшлари

Косон туманида туғилиб ўсган бу қаҳрамонлар Қарши иқтисодиёт ва Гуваляк маиший хизмат коллежини битириб, мажмуа кўриқлаш хизматида ишлаганга кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин қисқа даврда ўзларининг интизоми, топшириқни виждонан адо этишлари билан ҳамкасблари орасида хурмат қозонишди. Улардан воқеа тафсилоти ҳақида сураганимизда оддийгина қилиб «Уша пайтада хушёрлик кўрсатмаганимизда болалар чўкиб кетишарди» дейишди ва

Бу икки ёшнинг қаҳрамонлиги давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан эътироф этилди. Истиклолнинг 17 йиллиги арафасида Фаррух Жепаров «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг қарорига биноан «Ўзбекистон белгиси», Жонибек Жуманазаров эса Фавқулодда вазирлар вазирлиги қарорига асосан «Ўзбекистон нажоткори» нишонлари билан тақдирланди.

Гап мукофотда эмас. Энг муҳими — орамизда ана шундай жасур ёшлар борлигида. Бундай фидойи замонадошларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

И. ИСОМИДИНОВ

### Мушоҳада

Биз кўп тилга оладиган инсоф сўзининг аслида залворли юки бор. Инсоф нима ўзи? Яқинда бозор оралаб юриб картошка сотаётган киши билан харидорнинг тортишуви устидан чиқдим. — Сиз ўлчаб берганингизни анави дўкондаги электрон торозидан тортиб кўрсак, икки юз грамм кам чиқди, — деди харидор. Шунда сотувчи

ўнта одамни алдаса, бир ой ичида нечта одамни алдаган бўлади? Бир йилда-чи? Эл орасида «Инсоф сари барака» деган хикмат бор. Яъни қанча инсоф қилсан, тоғанинг шунчалик баракали бўлади. Масалан, гўшт бозорида бир киши «жайдари кўйининг гўштига кеп қолдинг!» деб тинмай харидор қақирса-ю, шу пайт эски кадрдони келиб қолиб «гўшдан тортинг» деганида уни четга имласа ва «бу эчки гўшти, сизга тўғри келмайди, харидорлар кетгач алоҳида гўшдан тортиб бераман» деб қулোগа шипсишди.



## Адолат марозиси

унинг халтасига икки-учта картошка ташлади ва «бўпти-бўпти, мен янглишибман» деди. — Янглишмаслик учун аввал торозингизни тўғрилас қўйинг! — деди харидор кетаётди. Сотувчи бу гапни эшитмаганга олди. Йўл-йўлакай борарканман, шу воқеадан тасвирландим. «Ёз жазирамасида, киш қаҳратонида кун бўйи ўтириб савдо қилишди, торозидан урмас қандай фойда кўради булар?» деб ўйладим. Кейин хушёр тортидим. Ахир торозидан уриб қолиш ўзгаларни алдаш, уларнинг ҳақиқа кўз олайтириш дегани эмасми? У кун давомида элик кило картошка сотса ва

иринг келади. Инсофли бўлиш — адолатли бўлмоқ ҳамдир. Чет эл матбуотида ёзилишича, америкалик ўн олти ёшли йигит онасини судга берибди. «Яшашнинг шунчалик машаққат эканини била туриб, мени дунёга келтирган аёлга жазо берилишини сўрайман», — дея ёзади у судга топширган аризасида. Бейхитёр ёқа ушлайсан. Наҳот она фарзандини ёруғ оламга келтиргани учун судланса?! Шу инсофданми?! Инсоф — салмоқли суз, жами фазилатлар шу суз ортида бўй кўрсатиб туради. Зеро, инсон эзгу мақсад билан иш кўраркан, инсоф сўзининг юқини ҳам елкасига олган бўлади.

Гулчехра ЖАМИЛОВА, журналист

# Ҳақ қарор топди

Қасаба уюшма ташкилоти ишловчининг яқин кўмақдоши, маслаҳатчиси, суяничи эканлигини ҳаммамиз биламиз. Кимки иш фаолияти, ҳаёти давомида, қандай муаммога дуч келса, унга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Яқинда Давлат тижорат Халқ банки Наманган вилоят филиалининг амалиёт бўлими жамоаси буни амалда яна бир бор ўз бошларидан ўтказишди.


Аслида дунёнинг ишлари қизик. Баъзи бир раҳбарлар ишлаётган жойларида ўзларини яқин-ёқинда ҳукмрон, уларнинг оғизларидан чиққан гаплари бамисоли қонун, уни қайтаришга, бирларини икки дейишга қўл остидагилар қодир эмас, деб ҳисоблайдилар. Ишловчи ходимлар манфаатини ҳимоя қиладиган жамоат ташкилоти борлигини ўйламайдилар ёки уни назарпесанд қилмасликка интиладилар. Мабодо, бирон ишловчи буйруғини бажармаса,

тирноқ орасидан кир излаб «таъзири» бериб қўйиш ёки баҳона топиб «думини туғиш» чорасини кўрадилар. Халқ банкнинг Наманган вилоят филиали амалиёт бўлимида мана шундай воқеа юз берди. Биз тилга олаётган воқеа содир бўлишидан сал илгари жамоа ходимлари ўртасида «аттестация ўтказиларми» деган гап тарқалди. Бу одат-ғадди, ҳар доим юз бериб келаётган ҳол. Бошқалар қатори филиал ходимлари Назира

Бойчиева, Мухаббат Мўминова, Рислиқон Исмоилова, Жамилахон Мамадалиева ҳам имконлари бори-ча ушбу синовга тайёргарлик кўрдилар. Маълум бўлдики, улар аттестация ва суҳбат талабларига жавоб бера олишмабди. Шу муносабат билан улар

Ушбу буйруқда икки қонун бузилишига йўл қўйилган. Биринчидан, аввало, улар янги иш ўринларида хали аттестациядан ўтишга улгурмаган. Иккинчидан, маъмурият бу буйруқни чиқаришдан олдин мазкур ходимларнинг эгаллаб турган вазифаларидан озод этиш бўйича бошланғич қасаба уюшма ташкилотининг розилигини олмаган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 111-, 112-моддалари талабига кўра иш берувчининг айби билан Ғайри-қонуний ишдан бўшатилганда ходимга етказилган зарарни тўлаш мажбурияти иш берувчи зиммасига юклатилади. — Бинобарин, ушбу банкнинг Наманган филиали амалиёт бўлимига Меҳнат кодекс талабларига кўра амали-

ёт бўлими касирлари Н.Бойчиева, М.Мўминова, Р.Исмоилова ва Ж.Мамадалиева ларни ўз вазифаларига тиклаб мажбуран бекор юрган қуллари учун ўртача иш ҳақини тўлаш вазифаси топширилди, — дейди суҳбат чоғида давлат муассасалари ва жамоат уюшмалари қасаба уюшмаси Марказий Кенгаши вилоят вакили Ҳабибулло Абдурахимов. Бугунги кунда қорюда номлари келтирилган банк ходимлари ўз иш ўринларидан меҳнат қилишмоқда.



Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» мухбири

# зиё таратиб...

гар вазифасида ишлади. Орадан бир йил ўтгач, металл лабораторияси муҳандиси лавозимига кўтарилиди. Етти йил давомида турли металлларнинг таркибини ўрганди, жамоат ишларида фаол қатнашди. Хушмуомалалиги ва меҳнатсеварлиги билан жамоада обрў қозонди. 1987 йили кутилмаганда уни «Фарход» ГЭСига ишга тақлиф этиб қилишди. Чунки у ерда мутахассислар етишмаётган экан, ўзи қўниқиб қолган Сирдарё ГЭСи билан хайрлашув ача оғир кечди. Етти йил оз вақт эмас, бу ерда қандайдан-қанда таниш-билиш, дўстлар орттирди...

тушди, зиммасига юкланган вазифаларни сикдикидан бажара бошлади. Ҳозиргача ушбу йирик корхонада электр қуввати ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ва айни вақтда ГЭС қасаба уюшма кўмитаси раиси вазифаларини виждонан бажариб келаяпти. Сафаримиз чоғида наурхона тарихига ҳам қизиқдик. Қасаба уюшма кўмитаси раисининг айтишича, 1943 йилнинг бошида Сирдарёда тўғон барпо этиш бошланган. Айтишларича, қурилишга кўнгиллилар ўзлари билан бирга иш қуроллари — кетмон, белкурак, озиқ-овқат, идиш-товоқ, ҳатто кўрпа-ёстиқларини ҳам олиб келишган. Асо-

сан ертўла ва чодирларда яшашган. Ававалига қурилаётган станция ёнида иккита шахарча барпо этилган. 1944 йил адоғига бориб, одамлар янги уйларга кўчиб ўта бошлаганлар. 1945 йилда эса тиббиёт маркази ишга туширилган. Солномаларда ёзилишича, ГЭС қурилишида электр ва дизелда ишловчи экскаваторлар қўлайиб, ўша йили 150 та вагонли паровоз, 400 дан ортик автомашина ишлаган; 25 декабр кун қаттиқ изғиринга қарамай мутахассислар дастлабки турбиналарни ўрнатишга киришадилар ва 27 декабрда биринчи турбина электр энергиясини бера бошлайди. Ҳозир корхонада салкам 140

киши меҳнат қилади. — Шу ерда ишлаб, пенсияга чиққанларнинг ҳолидан доим хабар олиб туришимиз. Йилнинг ўтган даврида 20 кишининг ҳар бирига 50 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатдик. Бундан ташқари, байрамларга уларни ҳам тақлиф қилаёмиз, — дейди Олга опа. «Фарход» ГЭСига сафарини бо-самар кетмади. Алишер Навоийнинг «Фарход ва Ширин» асари бот-бот ёдга тушиб турди. Станция халқимизга фақат нур таратамаяпти, унинг барпо этилиши қақроқ Мирзачўлга ҳаёт бағишлади. Чўл обод бўлди. Бугунги кунда «Фарход» ГЭСида кеча-кундуз иш қизғин. Станция бир дақиқа ҳам тўхтамайди. Сирдарё вилоятида жонқуяр қасаба уюшма кўмитаси раислари кўпчилики ташкил этди. Улардан бири — «Фарход» ГЭСи қасаба уюшма кўмитаси раиси Олга Тружениковага «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясини тмонидан 2006 йили «Ўзбекистон энергетикаси фахрийси» унвони берилиши фикримизнинг исботидир.

Пиримкул ДЎСТМАМатов, «Ishonch» мухбири

Олам ва Олам. Воқеалар Тафсилотлар Шарҳлар

## Медалнинг орқа томони



1492-йил 12 октябр кунини Христовор Колумб Америка заминига қалам қўйган деб ҳисобланади. Шу боис бу кун Марказий ва Жанубий Американинг аксарият мамлакатларида Колумб куни сифатида нишонланади.

12 октябр кунини Венесуэла президенти Уго Чавес «Нима учун биз Американинг кашф этилганини байрам қилишимиз керак? Ахир бу кун тарихдаги энг кенг миқёсли геноцид — маҳаллий аҳолини қириб ташлаш бошланган кун-ку» дея баёнот берар экан, китъадошларини Колумб кунини нишонламасликка чақирди. Венесуэлада Чавес ҳокимият тепасига келган 2001 йилдан бошлаб 12 октябрда бу байрам ўрнига Хиндуларнинг қаршилиги кунини нишонланади.

## Барглар кузда сарғаяди...

«Шимолий Корея оммавий ахборот воситаларида Ким Чен Ирнинг янги фотосуратлари намойиш қилиниши унинг оғир касаллиги ҳақида мишиши тарқалишига сабаб бўлди», — деб ёзади Лондонда чиқадиган «The Daily Telegraph» газетаси.



КХДР раҳбари узоқ вақтдан бери расмий тадбирларда қатнашмаган эди, бироқ 4 октябр кунини унинг футбол томоша қилиш учун стадионга борганлиги эълон қилинди. Шанба кунини эса телевидениеда унинг гўё яқинда ҳарбий қисмага ташириши чоғи олинган фотосуратлари намойиш қилинди. Япониялик халқаро муносабатлар профессори Тосимицу Сигэмура бу фактни изоҳлар экан, Шимолий Кореяда ҳозир кузнинг авж палласи эканлиги, суратларнинг орқа планидидаги дарахлар эса яшил барглар билан қопланганига эътиборни қаратди. Таъкидлаш жоизки, Сигэмура илгари ҳам Ким Чен Ир 2003 йили оғир касаллигдан вафот этган деган фикрни билдирган эди.

## Судья қамаладиганга ўхшайди



Украина президенти Виктор Юшенкони фармонига биноан Верховний Рада тарқатиб юборилганда хабарингиз бор.

10 октябр кунини Киев округ маъмурий суди судяси Владимир Келеберда Юлия Тимошенко Блокининг даввосини қаноатлантириб, президентнинг парламентни тарқатиш ва унга мuddатидан аввал сайлов ўтказиш тўғрисидаги фармонининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақида қарор чиқарган эди. Судья шу кунгик ишдан бўшатилиб, Киев прокуратураси унга нисбатан жиноят иши қўзғатди. Ноқонуний қарор чиқарганлиги учун у 5 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Украина президенти котибиятидан маълум қилишларича, мазкур фармон устидан умумий юрисдикция судларига шикоят қилиб бўлмайди. Бундай даввони кўриб чиқишга фақат Конституциявий суд ҳақлидир.

## Хитойга глобал инқирознинг таъсири кам

Сентябр ойида Хитой савдо балансидаги профицит 29,3 млрд долларни таъшиқ этди.



Август ойида бу кўрсаткич 28,7 млрд долларга тенг эди. Аммо шунга қарамай 9 ойлик савдо профицити ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,6 фоиз камийиб, 180,9 млрд долларга тенг бўлди. Бу пасайиш дунёдаги аксарият давлатлар иқтисодиёти ўсишининг секинлашуви оғир келган глобал молиявий инқироз натижасидир.

## Литвада парламент сайлови



Якшанба кунини Литвада парламент сайлови бўлиб ўтди. Унда 16 та партия қатнашди. Марказий сайлов комиссиясининг маълумот беришича, мамлакатда овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар сони 2,7 млн. киши бўлиб, уларнинг 47,6 фоизи сайловда иштирок этган.

Сайловнинг расмий натижаси хали эълон қилинмаган. Шу кун сайлов билан бирга Игналис АЭСининг иш мuddатини узайтириш юзасидан референдум ҳам ўтказилди ва рўйхатга олинган овоз берувчиларнинг талаб қилинган энг кам миқдори (50 фоизи) қатнашмаганлиги учун ўтказилмаган деб ҳисобланди. Эслатиб ўтиш жоизки, Европа Иттифоқи Литвани ўз сафига қабул қилган пайтдан бошлаб реактори эскирганлиги сабабли мазкур АЭСни 2009 йили ёпишни талаб қилиб келади. Мамлакат ҳукумати эса Литвада ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг дярли 70 фоизини берадиган АЭСни ёпишни истамаяпти. Овоз берганларнинг 88,7 фоизи ҳам АЭСнинг ёпилишига қарши эканликларини билдиришган.

Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Фарғона вилоят тармоқ кенгаши жамоалари Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмаси қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Мастура Шодиевага волондиз муқаррамаси МАЛИКА аниқ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этди.

«Мен — ёшликман» танловта

Ирода ШАРИПОВА 1984 йили Нарпай туманидаги Кўкота қишлоғида туғилган. Баҳши-шоирлар юрти саналмиш бу воҳада дилларга мафтунлик ва жўшқинлик ҳаёда этувчи чизгилар ниҳоятда мўл. Туманининг «Пахтакор овози» газетаси қошида фаолият юритиб келадиган «Умид гўнчалари» бадий тўғараги эса ана шундай ўнлаб ёш ижодкорларни тарбиялаб, элга ҳавола этаётди. Ирода ана шу чаманининг ёш ва умидли ижодкорларидан. Дарвоқе, унинг «Кўнглим гулшани» шеърий тўплами босилиш арафасида.

Меҳр гўллари




Гадо янглиғ тўрваси бўм-бўш, Котадириман тақдир йўлидан. Дарғи тутма нарзингни башар, Гуллар тутқаз меҳринг қўлидан. Бир далда сўз, бир чимдим меҳр, Сўраримдим дунёни сендан. Тончи ёшқи, аксида сеҳр — Кўёш шаҳди порласа юздан. Жило, нурга чоғласам қанот, Ранглар толсам, тутганим зиё. Меҳринг юпун, муҳаббат — қаҳат, Қашшоқмисан, мен каби Дунё? Гадо янглиғ тўрваси бўм-бўш Толдим юриб тақдир йўлидан. Зебу заринг ўзингга сийлов, Гул бер, башар меҳринг қўлидан.

Тонгни кўтиб

Тун чўқди, азобнинг уясин қовлаб, Соғинчдан танамга киради оғрик, Хижрон ҳам юрибди бир мени овлаб, Висолдан орзум бўлалмас форик. Тун чўқди, Сукунат қовираб қалбим, Дил сўзим айтаман унинг ўзига. Сен фақат унчага тугама сабрим, Тонг отгач барчаси тушар изига. Тун чўқди, Жамики борлик — уйқуда, Ҳамдардим оймомо мен учун бедор. Не қилай, мен тонгни соғиндим жуда, Армоним йўқ эди, у келса бир бор.

Садоқатой НЕЪМАТОВА, Пахтабод туманидаги 35-мактабнинг ёшлар етакчиси



Сп Орт Оламида

Самбо Вакилларимиз муваффақияти

Пойтахтимизда самбо бўйича ўсмирлар, ёшлар ва кизлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.



Уч кун давом этган ушбу тадбирда қирққа яқин мамлакатдан келган олти юз нафардан зиёд спортчи йигирма вазн тоифасида гиламга чиқиди.


Финал баҳсларида латвиялик Тимофей Лосева қарши гиламга чиққан тажрибали самбочимиз Илғор Асадов ўз вазн тоифасида жамоамизга олтин медални тақдим этди.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашуларда хамюртларимиз Умид Чориев ва Илхом Йўлдошев чемпионатнинг қумуш медаллари билан тақдирланди.

Мусобақада, шунингдек, самбочиларимиз Рустам Тўрақулов, Даврон Ҳамроев, Дилдора Убайдуллаева, Шоира Машарипова, Ҳанифа Одилова, Гулрўх Абдувосидова ҳамда Нарғиза Ҳамдамова чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритишди.

Футбол

Йўлланма бой берилди



Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг чорак финалида Жанубий Корея терма жамоасига 0:3 ҳисобида имкониятни бой бериб, Нигерияда ўтказилган Жаҳон чемпионати йўлланмасида махрум бўлди. Уйнинг дастлабки дақиқаларидеқ майдон эгалари учун омасдиз келди. 12-дақиқада Ким Донг Жин дарвозабон билан якка-якка чиқиб, ҳисобни очди.

Шунга қарамай, Роберт Гай шоғирдлари бор эътиборларини ҳужумга қаратишди. Аммо тамафусуға томонлар худди шундай ҳисоб билан қичиб кетишди.

Иккинчи бўлим ҳам худди шундай сценарий остида бошланди. Қарши ҳужумларнинг бирини корейлик Сон Хун Мин чиройли ва аниқ зарба билан Ойбек Толиповни доғда қолдирди. Беллашув якуланишига, 18 дақиқа қолганида эса, захирадан майдонга туширилган Ли Чанг якуний ҳисобни ўрнатди — 0:3.

Шу тариқа, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўз уйда ўтаётган мусобақа билан чорак финалда хайрлашди. Ярим финалда қуйидаги жуфтликлар ўзаро беллашадилар: 15.10.08 Эрон — БАА, Жанубий Корея — Япония.

Сафар олдидан йирик мағлубият

2010-йилги Жаҳон чемпионати 4-саралаш босқичининг навбатдаги уйинига тайёргарлик кўраётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Сеулда Жанубий Корея терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Беллашув 3:0 ҳисобида майдон эгаларининг фойдасига ҳал бўлди.



Таъкидлаш лозимки, Миржалол Қосимов ушбу уйинда бир қатор янги футболчиларни ҳам кўздан кечирди. Маълумотларга кўра, 15 октябр кунни Япония терма жамоаси билан бўладиган саралаш учрашуви Тошкент вақти билан соат 16:00 да бошланади ва уйини тўғридан-тўғри «Спорт» телеканали орқали олиб кўрсатилиши режалаштирилмоқда.

Учрашув олдинга сурилди



Аслида 19 октябр кунни ўтказилиши керак бўлган 24-турнинг «Бунёдор» — ОТМК учрашуви бир кун олдинга, яъни 18 октябрга кўчирилди.

Ўзбекистон профессионал футбол лигаси «Бунёдор» жамоасининг 22 октябрдаги «Аделаида Юнайтед» клубига қарши кечадиган уйинга пухта ҳозирлик кўриши учун 24-тур доирасидаги ОТМК билан бўладиган баҳс санасига ўзгартириш киритди. Уйин соат 17:30да бошланади.

Нарзулла МАҲАМОВ тайёрлади

Хориждаги ўзбеклар

Наймажоним

Яқинда Ҳамидхон деган қадрдоним букланган қоғоз узатди: — Кўриб қўйинг ака. Наманганимизга бағишланган шеър... — Хали шеър ҳам ёзасизми? — дедим қулиб қозғони қўлга олarkanман. — Меники эмас, — қадрдоним жиймайиб бош тебратди. — Туркияда яшайдиган аммаимиз мактуб орасида жўнатган эканлар. Сизнинг ижодаг алоқдорлигингиз эсимга тушиб, чўнатганимга солволгандим.

Қоғозга кўз югуртирдим...

Шаҳарлар ичида гўзал Наманган, Жўшқин анҳору, сойга ўзинг қон. Муаттар гулларинг таърифи кетган Узум-анорларинг эрур бир жаҳон.

Сатрлар юрт соғинчи, Намангани яна бир бор кўриш, мусаффо ҳавосидан нафас олиш, одамлари билан учрашимиз истагида давом этганимиз. — Қалбиди Наманганга нисбатан шу қадар соғинч туйғуси жўш урган оламимиз ким бўлади? — сўрайман шеригимдан. — Чамаси, маълумотли аёл кўринадилар. Дурустгина шеър ҳам битарканлар...

— Бу аёл яқин қариндошимиз. Туркиянинг Кўния шаҳрида истикомат қилади. 1993 йилда фалсафа фанлари доктори илмий унвонини олган, профессор. Америка, Англия, Дания университетларида дарс берадилар...

Ҳамсуҳбатим Туркияда истикомат қиладиган Наймажоним ҳақида сўзлаб берди. Ватандошимиз, шунингдек, БМТнинг Юнеско ва Юнисеф ташкилотларининг «Олтин медал» ини олишига ҳам сазовор бўлган экан. Суҳбат жараёнида унинг 1992 йилда «Ўзбегим одатлари» деб номланган китоби босмадан чиққанлиги ва Манчестер шаҳрида ўтказилган тақдирот маросимида юқори баҳоланганлиги, миллий қадрият ва

урф-одатларни тарғиб қилишдаги илмий изланишлари юқори тақдирланганлиги аён бўлди.

— Аммаимизнинг Намангани, умуман, Ўзбекистонни эсламаган қуналари йўқ. Биз хонадонлариди икки бор бўлганмиз, — давом этади Ҳамидхон. — Мухташам уйидаги катта бир хонани «Ўзбекистон музейи» деб номилаб, уни мамлакатимиз ва унинг ўтмишига оид экспонатлар билан безатган. Деворларда атласу-адраслар, Хива гиламлари, юртимизнинг гўзал манзаралари...

— Опа қай тариқа Туркияга бориб қолган? — сўрайман қизиқиб. — Ҳаммасига инқилоб сабаб, — хўрсинади шеригим. — Каттагон йилларида отаси ва бир гуруҳ қариндош-уруғлари билан Шўро ҳукумати тазйиқларидан кўриб, ўша томонларга бориб қолишган. Ушанда аммаимиз саккиз ёшли қизалоқ эканлар. Унинг ҳозирги бирдан-бир орзуси Ўзбекистонни кўриш...

— Келсалар чақиринг, танишайлик, — дейман ҳавас билан. — Истиқлол Наймажоним сингари кўплаб ватандошларимиз орзуларининг амалга ошуви учун кенг имкониятлар яратиш учун кўришди. Зеро, пок нияти кишилар учун юртимиз дарвозалари ҳамيشа очик.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» муҳбири



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Олтин куз саховати



Халқ таботати бой тажрибага эга. Ҳозирги замон тиббиётида 12 мингдан ортиқ ўсимлик туридан фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда эса ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар сони 4 мингдан ортиқ. Шуларнинг 500дан ортиғи шифобахш бўлиб, қуйида уларнинг айримлари ўзлари ҳақида сўзлайдилар.

ХАНДОН ПИСТА

Мени форслар «писта», араблар «писток», французлар эса «пиштош» деб аташади. Ватаним Шимолӣ Хуросон, Афғонистон ва Суриядир. Ҳозирги вақтда ҳам бу худудларда ёввойи ҳолда ўсама. Дарахтим худди ҳурмо дарахти каби бўлиб, эркак-



лар ва оналик уруғига эга гулларим бир-бирига қарама-қарши шоҳларда жойлашган. Агар бирорта гулим ҳангланмай қолса, ундан пуч мева ҳосил бўлади. Мағзим қучли овқат бўлма-са да озгин кишиларни семиртирадиди. Агар мағзим устида алвон рангли нозик пўстими билан есалар, сариқ касалини тузатишга кўмаклашаман. Талоқ иллатини бартараф қилиб, зах-

рини кесаман. Мағзим чайналса, тишини мустаҳкамлаб, оғизни хушбўй қилади. Истеъмол қилинса, ич кетишини тўхтатади. Ошқозон деворларига куч бағишлайди. Ичакларни торажаб, кунгил айнишини ва қайт қилишини йўқотади. Юракбуруғ ва чанқашга барҳам беради. Дарахтим пўстлиги ва баргларини қайнатиб сурқалса ёки ичилса, тер оқиси, йўғон ичак дарди ва бачадон оғриғи йўқолади. Кўтир ва қичишни иллатларига даво бўламан. Агар ўша сув билан соч доимо ювиб борилса, унинг тўкилишини тўхтатади. Пистам атторликда кўпроқ ишлатилади. Агар уни мушк билан аралаштириб юз фалажига суртилса, тўзатади.

ЁНФОҚ

Мени араблар «жавз» деб аташади. Қадимдан ёввойи ҳолатда Кичик Осиё, Эрон ва Японияда ўсганман. Ҳозир эса дунёнинг ҳамма ерида борман. Баъзилар ватанимни Эрон деб ҳисоблашади. Мевам — юмалок. Дарахтимнинг ўзига хос ҳиди бор. Қуриштиган баргларимнинг иси ва қўқилиги сақланиб қолади. Уларни қайнатиб тери касалликларини даволашда ишлатиш, шунингдек, фарғара қилиш йўли билан томоқ оғриғи ва лаблар

шамоллашини йўқотиш мумкин. Хинзир ва асаб касалига йўлиққан кишилар ҳам баргим қайнатилган 300 грамм суви ўз баданларига суртса, шифо топадилар.

Агар қўлингиз терлаб, намланиб юрса, қўлингизни баргим ёки меванинг пўсти қайнатилган суви билан ювиб, бироз ўпа севиб турсангиз, бу дарддан қутиласиз. Кўтир ва сувли экземани йўқотиш учун баргим ёки дарахтим пўстлигини дуб танаси пўсти билан қайнатиб, унинг сувидан фой-

далансангиз, тезда тузаласиз. Бордию омборингизга қумолилар ҳужум бошлаб қолишса, баргимдан ташлаб қўйинг, ёки мевани пўстининг сувидан сурканг. Ёнғоғим устидаги пўстининг бир бўлагини оғриётган тишга қўйсангиз ёки баргим қайнатилган суви чансангиз, оғриқ тўхтайдиди. Милкларини мустаҳкамлайди.

Ичдан қон кетишни даволаш учун 50 грамм пўстими бир литр сувда қайнатиб, клизма қилинг. Баргим ёки пўстлигини оғриётган жойга сурқалсангиз, оғриқни қолдиради. Агар баргимни ёки ёнғоғим устидаги пўстини яхшилаб туйиб, унга бир оз темир занги аралаштирсангиз, ҳосил бўлган ранг узок вақт ўчмай туради. Томирим пўстини зайтун ёвига қовуриб, бавосил ҳамда бел оғриғига сурқалса, яхши фойда қилади. Баргимнинг иситилган суви қулқоқа томизилса, қулқоқ оғриғини тўхтатади. Асал ёки узум ширасига пўстим аралаштириб тайёрланган сироп дифтерия, томоқ оғриғи, тиш милкларидан қон оқшини ва тишининг қимирлаб қолишини қолдиради. Тоза



ЎСИМЛИК ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Logo of Ishonch newspaper and contact information for Muassis, Bosh muharrir, and other staff members.

Ж. ТУРДИЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими